

ISSN 0077 – 7700



TURKOLOGIYA TURKOLOGY



**TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI
ILMIY JURNALI**

**НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES**

**1
2020**

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги рўйхатидан ўтган
(№ 1129, 11.11.2020 й.) ISSN 0077 – 7700

Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Қ. Омонов	<i>филология фанлари доктори, профессор (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
Х. Хамидов	<i>филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (масъул котиб)</i>
Б. Тўхлиев	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Қ. Содиков	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ш. Усмонова	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ҳ. Дадабоев	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Н. Раҳмонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Б. Каримов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Дж. Шабанов	<i>филология фанлари номзоди, доцент</i>
У. Идилов	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
Н. Абдуллаев	<i>сиёсий фанлар номзоди, доцент</i>
А. Назаров	<i>сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
М. Исҳоқов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
Д. Сайфуллаев	<i>тарих фанлари доктори, доцент</i>
Х. Файзиев	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
З. Алимов	<i>тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
Т. Расулов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Н. Холматов	<i>иқтисод фанлари номзоди</i>
З. Қодирова	<i>иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
М. Воҳидова	<i>иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
Р. Баҳодиров	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Д. Пўлатова	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
А. Шоназарова	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
А. Гурер	<i>Туркиянинг Анкара университети профессори</i>
Ҳ. Байдемир	<i>Туркиянинг Отатурк Университети профессори</i>
Ю. Кўч	<i>Туркиянинг Хожитена Университети профессори</i>
Н. Телицин	<i>СПбГУ Туркология кафедраси мудири, профессор</i>

Нашрга тайёрловчилар:

Ж. Исмоилов, А. Зиёдов, Л. Хамдамзода, Ҳ. Сулаймонова

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши
лозим бўлган илмий нашрлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz
web-site: www.tsuos.uz

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

<i>Гулчехра Рихсиева.</i> «Turkologiya. Turkology» халқаро илмий журналининг илк сони.....	5
“Қутадғу билиг” илмий нашрларининг таҳлили	
<i>Temur Xo‘ja O‘gli.</i> Abdurauf Fitratning turkologiyada e’tibordan chetda qolgan «Qutadg‘u Bilig» matn nashri (1928)	7
<i>Gülden Sağol Yüksekkeya.</i> R. R. Aratning «Qutadg‘u Bilig» nashrida mukammallikni izlashi	19
“Қутадғу билиг” ва шарқ адабиётларида анъана масаласи	
<i>Benedek Péri.</i> Two Central Asian Turkic texts and their relationship to the persian literary tradition. Yūsuf Ḥāṣ Ḥājib’s <i>Qutadgu Bilig</i> and Ḥaydar Ḥvārizmī’s <i>Gulshan al-Asrār</i>	32
<i>Elçin İbrahimov.</i> Türk dünyasında dil politikalarının oluşmasında eserlerin rolü: <i>Kutadgu Bilig</i> ’in araştırılma tarihi	39
<i>Ramiz Asker.</i> Kutadgu Bilig bibliyografyalari. Библиографии по «Кутадгу билиг»	47
“Қутадғу билиг”нинг тил ўзгачаликлари	
<i>Содиқов Қосимжон.</i> “Қутадғу билиг”да кечган “нутқ” ва “ёзма адабий тил”ни англатувчи сўзлар семантикаси	54
<i>Aynur Öz Özcan.</i> Kutadgu Bilig’de eş anlamli fiiller	64
<i>Boltabayev Saidbek.</i> “Qutadg‘u bilig”da xitob yuklama va undovlari asosida o‘zbek tilidagi ba’zi so‘zlarning etimologiyasi	71
“Қутадғу билиг” поэтикаси	
<i>Tўхлиев Боқижон.</i> Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг маънавий камолоти ҳақида	80
<i>Ayşe Yücel Çetin.</i> Ideal people and their characteristics in Kutadgu Bilig	87
<i>Ismet Çetin.</i> Kutadgu Bilig as a source of values education	94
<i>Нигмонов Абдулазизхон.</i> “Қутадғу билиг”да синтактик параллелизмлар	99
“Қутадғу билиг”нинг шарқ цивилизацияси ва фалсафий- маънавий қарашлар юксалувидаги ўрни	
<i>Козубаев Осконбай.</i> Онтология этического учения Юсуфа Баласагуни: опыт философской реконструкции.....	107

Абдуқодир Зоҳидий. Юсуф Хос Ҳожиб давлатчилик фалсафий таълимотининг негизлари 114

Баратов Данияр. К философии первоэлементов (anâsir-i erbaa) и учению о влагах (ahlât-i erbaa), отраженных в «Кутадгу Билиг» 123

“Кутадғу билиг”нинг талқин ва ўғирмалари

Аврутина Аполлинария. Творческое наследие Сергея Николаевича Иванова – переводчика Юсуфа Баласагуни на русский язык 134

Сидиқов Қосимжон. Юсуф Хос Ҳожиб афоризмлари ва уларни таржимада қайта яратиш муаммолари 139

Такриз ва муносабат

Омонов Қудратулла. «Кутадғу билиг» сўзлиги. Тузувчи: Қосимжон Содиқов – Тошкент: «Akademnashr», 2020. 144

«TURKOLOGIYA. TURKOLOGY»
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛИНИНГ ИЛК Сони

Ташқи сиёсатдаги кўп қиррали очиклик тамойиллари янгиланаётган Ўзбекистоннинг ижобий имижига айланмоқда. Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири Марказий Осиё ва турли минтақаларда яшаётган илдизи, тили, қадрияти бир бўлган туркий тилли ўлкалар билан кенг миқёсдаги ҳамкорликда намоён бўлмоқда.

Жаҳон геосиёсий саҳнасида туркий тилли мамлакатларнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва таъсири ортиб бораётир. Туркий халқлар қадим кезлардан ўзига хос давлатчилик анаъналари, улкан маданий, маърифий қадриятларни яратган, Евроосиёнинг марказий минтақаларидаги кенг ҳудудларда ерлашган ҳамда 250 миллионга яқин нуфусга эга энг йирик этнослардан биридир.

Ҳозирги глобаллашув шароити ва у билан боғлиқ ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида тобора чуқурлашиб бораётган ахборотлашув жараёнлари Шарқ ва Ғарб маданиятлари таъсир доирасининг кенгайиши туркий тилли элларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий мулоқотини янада кенгайтиришни, дунё ҳамжамиятида ягона сиёсий, иқтисодий, маърифий платформа билан қатнашишни тақазо этмоқда.

Ўзбекистоннинг 2019 йил 14-15 октябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий кенгашнинг еттинчи саммитида тўлақонли аъзо давлат сифатида қатнашуви ҳам ана шу эҳтиёжларни қондириш йўлидаги мустаҳкам қадам бўлди.

Туркий маданиятнинг бешиги ва туркий давлатчиликнинг ўқ томири бўлмиш Ўзбекистондек давлатнинг Кенгашга кириши уюшмани тугал сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий ташкилотга айлантирди.

Шундай шароитда мамлакатимизнинг асосий стратегик шериклари туркий давлатлар йўналишида туркшунос мутахассисларга бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Ушбу соҳалар бўйича мутахассис тайёрлаш иши Тошкент давлат шарқшунослик университетида йўлга қўйилган. Бу таълим ўчоғида туркшунослик бўйича дунё тан олган катта ўқув ва илмий мактаб шаклланган. Айниқса, университетда янги туркшунослик факультетининг очилганлиги ва туркшунос кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш вазифасини ушбу факультетга юкланиши айни муддао бўлди.

Ҳалдаги вазифа университетда туркшунослар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш баробарида илмий-тадқиқот ишларини ҳам янада ривожлантиришдир. Ҳозирги кунда туркшунослик изланишлари бўйича ўзбек туркологлари жиддий ишларни амалга оширмоқда. Уларнинг илмий изланишлари натижаларини чоп этиб бориш ва мутахассисларнинг баҳсу мунозара майдони сифатида доимий махсус нашри бўлиши муҳим масала саналади. Айни масалалар эътиборга олиниб, Тошкент давлат шарқшунослик университетида йилнинг чорағида бир изчил чоп этиб бориладиган «Turkologiya. Turkology» халқаро илмий журнали тузилди.

Туркшунослик тадқиқотларига бугуннинг кўзи билан қараш янги илмий мулоҳазалар, ёндашувлар асосида таҳлил ва тадқиқ этиш журналнинг бош вазифасидир.

Ушбу халқаро журнал ўзбек ва жаҳон туркшуносларининг илмий майдони ўлароқ ХХІ юзйил туркологияси қайси илмий йўлдан кетади, туркшуносликка доир изланишлар қайси ўлчовларга таяниб олиб борилади, қандай илмий ишларга эътибор кучаяди сингари туган ва унинг илмий ечимларига урғу берилади. Шунингдек, журналда туркшуносликнинг муҳим йўналишлари: тилшунослик, адабиётшунослик, таржимашунослик, туркий халқлар тарихи, фалсафаси, маданияти, ижтимоий ва сиёсий тараққиёти, иқтисоди сингари соҳаларнинг муҳим масалалари ва илмий янгиликлари ёритилади.

«Turkologiya. Turkology» халқаро илмий журналидаги мақолалар ўзбек, турк, инглиз ва рус тилларида чоп этилади. Журналнинг маслаҳат ва таҳрир кенгашига Тошкент давлат шарқшунослик университети ва унинг ҳамкор ўқув, илмий ва дипломатик муассасалари - Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Истанбул, Хожи Байрам Вали, Мармара, Хожитепа, Анкара, Ғозий, Карабук, Отатурк университетлари, Турк дил куруми, АҚШнинг Индиана университети, Голландия Лейден университети, Венгриянинг Этвош Лоран университети, Санкт-Петербург давлат университети, Германиянинг Берлин университети, Озарбайжоннинг Баку давлат университети, Мухтор Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети, Бишкекдаги қирғиз-турк Манас университетининг етакчи туркшунос мутахассислари жалб этилди.

Ушбу халқаро илмий журналнинг илк сони 2020 йил 27-28 ноябрь кунлари Тошкент давлат шарқшунослик университетида бўлиб ўтган “Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари асосида чоп этилди.

“Қутадғу билиг” илк ўрта асрларда турк дунёсидагина эмас, бутун Шарқ адабиётида шоҳ китоб сифатида довруғ қозонди. Шу боис ҳам асар бир неча авлод туркологлар томонидан мунтазам равишда ўрганилиб, тадқиқ этиб келинмоқда. Чунончи, Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган халқаро конференция ҳам асарни ўрганиш бўйича муҳим илмий минбар сифатида ўз ўрнига эга бўлади.

Янги чиқаётган илмий журнал ишларига улкан ютуқлар тилайман. Журналда чоп этиладиган мақола ва хабарлар дунё туркологияси олдида турган муҳим муаммоларни ечишга кўмаклашади дея умид қиламан.

Гулчеҳра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик
университетининг ректори.